ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ

DSc.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАҚОВ АЪЗАМ ТОШТЕМИРОВИЧ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АГРОРЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Қашқадарё вилояти деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида)

08.00.04– “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УЎТ:

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исақов Аъзам Тоштемирович
Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида)..... 5

Исаков Азам Тоштемирович
Пути повышения эффективности использования агроресурсов в фермерских хозяйствах (на примере фермерских хозяйств, специализирующихся на растениеводстве Кашкадарьинской области)..... 34

Isakov Azam Toshtemirovich
Ways to increase the efficiency of the use of agricultural resources in farms (on the example of farms specializing in agriculture in Kashkadarya region)... 60

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 62

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ

DSc.03/30.01.2020.I.10.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАҚОВ АЪЗАМ ТОШТЕМИРОВИЧ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АГРОРЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Қашқадарё вилояти деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида)

08.00.04– “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2012ISSN2181-5763 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нигмаджанов Учқун Холматович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил "___" _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68,
e-mail: admin@tiiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2026 йил "__" _____ **куни тарқатилди.**
(2026 йил "__" _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

К.А. Чариев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С. Хушматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон озиқ-овқат тизимида кузатилаётган беқарор тенденциялар, иқлим омилларидаги ўзгаришлар ва ресурс базасининг чекланганлиги шароитида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлиги бевосита фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ бўлиб бормоқда, зеро чекланган ер, сув ва меҳнат ресурслари шароитида ишлаб чиқариш ўсиши анъанавий кенгайтириш усуллари эмас, балки интенсив ва инновацион ёндашувлар орқали таъминланиши мақсадга мувофиқ, ФАО маълумотларига кўра, "2050 йилга келиб ўсиб бораётган жаҳон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш учун глобал озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажмини 70 фоизга ошириш талаб этилади"[1], бу эса аграр соҳада ҳар бир ресурс бирлигидан олинадиган иқтисодий қайтимни кўпайтириш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, илмий асосланган ихтисослашув ва самарали бошқарув механизмларини такомиллаштиришни стратегик заруратга айлантирмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари томонидан қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мазкур йўналишда илмий изланишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда, бироқ замонавий иқлим трансформациялари ва ресурслар базасининг чекланганлиги аграр ишлаб чиқариш тизимларига янги талаблар қўймоқда ҳамда пандемиялар оқибатида юзага келган логистика ва бозор чекловлари фермер хўжаликларида ер, сув, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтириб, ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан илмий изланишларда сув ва ер ресурсларини тежамкор бошқариш, инновацион агротехнологияларни жорий этиш, ресурс қайтимини иқтисодий баҳолаш, аграр кооперация ва қўшилган қиймат занжирларини такомиллаштириш масалаларига устувор илмий йўналиш сифатида шаклланмоқда. Бу эса аграр тармоқ барқарорлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда агроресурслардан оқилона фойдаланишни долзарб илмий муаммо сифатида намоён этмоқда.

Республикамизда фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланиш ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ва фермер хўжаликларини институционал қўллаб-қувватлаш тизими шакллантирилди. Шу билан бирга, чекланган ер ва сув ресурслари шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурс сарфини камайтириш ва инновацион ёндашувларни кенг жорий этиш билан боғлиқ тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигини чекланган ер ва сув ресурслари шароитида инновацион ёндашувлар асосида

[1] https://www.fao.org/fileadmin/templates/wsfs/docs/expert

ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва уни оширишнинг илмий асосланган механизмларини ишлаб чиқиш аграр иқтисодиёт фанининг долзарб илмий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони, 2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 08 июндаги, ПФ-6243-сон “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, 2022 йил 01 мартдаги ПҚ - 144-сон “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36 “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2025 йил 28 мартдаги ПҚ-131-сон “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ва тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аграр соҳани ислоҳ қилиш жараёнида фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари илмий адабиётларда кенг ёритилган. Хусусан, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг назарий ва услубий жиҳатлари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омилларини оптимал бириктириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги ва даромаддорлигини таъминлаш масалалари хорижлик олимлар: Б.И.Пошкус, Л.А.Павлов, К.Панкова, А.В.Чаянов, Т.В.Шульц, Ф.Эллис, Ж.Претти[2] ва

[2] Пошкус Б.И. Экономическая эффективность использования ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: Финансы и статистика, 2011. – 268 с. (133–150-с.). Павлов Л.А. Экономические механизмы развития аграрной сферы. – М.: Экономика, 2013. – 304 с. (88–110-с.). ПанковаК. Sustainable use of agricultural resources. – Prague: Charles University Press, 2016. – 212 p. (54–71-p.). Чаянов А.В. The Theory of Peasant Economy. – Homewood (Illinois): Richard D. Irwin, 1966. – 317 p. (pp. 85–112). Т.В.Шульц Transforming Traditional Agriculture. – New Haven: Yale University Press, 1964. – 212 p. (pp. 33–57). Эллис Ф. Peasant Economics: Farm Households and Agrarian Development. – Cambridge: Cambridge University Press, 1993. – 309 p. (pp. 141–168). **Претти Ж.** *Agricultural sustainability: concepts, principles and evidence.* //*Philosophical Transactions of the Royal Society B*. – 2008. – Vol. 363, No. 1491. – pp. 447–465.

бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича тадқиқ этилган. Уларнинг тадқиқотларида аграр ишлаб чиқаришда ресурслар қайтимини ошириш, меҳнат ва ер унумдорлигини юксалтириш, фермер хўжаликларининг институционал ривожланиш омиллари ҳамда бозор муносабатлари шароитида самарадорликни таъминлаш механизмлари назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, турли мулкчилик шаклларига асосланган фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда улар фаолиятини бозор муносабатлари шароитида мувофиқлаштириш масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари Ў.П.Умурзоқов, Қ.А.Чориев, У.Х.Нигмаджанов, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фарманов, А.А.Қодиров, Ғ.Саматов, О.Муртазаев, Я.Э.Алиев, Ф. Аҳроров[3] ва бошқалар томонидан салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Бироқ аграр ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга оид tadqiqotларни чуқурлаштириш зарурати сақланиб қолмоқда. Мавжуд илмий ишлар асосан агроресурсларнинг алоҳида турлари ёки ислоҳотларнинг дастлабки босқичига қаратилган бўлиб, фермер хўжаликларида ер, сув, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда иқтисодий самарадорликка таъсири етарлича комплекс ўрганилмаган. Шу боис, муайян ҳудуд мисолида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини монографик тадқиқ этиш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш мазкур мавзуни танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишнинг назарий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

---

[3]Ў.П.Умурзоқов ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Иқтисод-молия, 2007.–270 б.(88–116-б.)Қ.А.Чриев. Аграр соҳада иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш масалалари. – Т.: Фан, 2012. – 240 б. (55–78-б.).У.Х.Нигмаджанов. Қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.–Т.: Иқтисодиёт, 2014.–256 б. (90–118-б.). Н.С.Хушматов. Фермер хўжаликларини иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий асослари.–Т.: Янги аср авлоди, 2016.–288 б. (102–136-б.).Т.Х.Фарманов. Аграр бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари.–Т.: Иқтисод-молия, 2015.–264 б. (70–95-б.).О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари.– Т.: Фан ва технология, 2017.–272 б. (88–121-б.).Я.Э.Алиев. Аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари.– Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 248 б. (60–89-б.).Ф. Аҳроров. Қишлоқ хўжалигида инновацион ривожланишнинг иқтисодий асослари.– Т.: Фан, 2018. –260 б. (75–104-б.).

фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усулларини илмий асослаш;

агроресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни маҳаллий шароитга мослаштириш имкониятларини баҳолаш;

фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш.

фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболларини прогнозлаш.

Тадқиқот объекти сифатида фермер хўжаликлари ва уларни ресурслар билан таъминловчи субъектлар, монографик тадқиқотлар олиб бориш учун эса Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқот предметини фермер хўжаликларининг агроресурслардан фойдаланиш жараёнида тармоқ фаолияти билан боғлиқ хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таққослама таҳлил, ҳисоб-конструктив, иқтисодий-статистик гуруҳлаш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик кузатиш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган услубий ёндашув маҳаллий шароитлар таъсирини инобатга олган ҳолда, агроресурслардан фойдаланиш натижадорлигини ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими асосида комплекс баҳолашни назарда тутувчи илмий ёндашув сифатида такомиллаштирилган;

фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида тупроқнинг балл-бонитети, шўрланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ерларни агротехнологик гуруҳлаш ҳамда ҳар бир гуруҳга мос агротехнологик, ташкилий ва молиявий чора-тадбирларни дифференциал қўллашга асосланган механизм ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликларида халқаро стандартлар (GLOBALG.A.P ва ISO 9001) асосида агроресурслардан фойдаланишни меъёрлаштириш, рақамли мониторинг ва иқтисодий рағбатлантириш омиллари уйғунлигига асосланган ташкилий-иқтисодий механизм таклиф этилган;

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобида бир гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларига тўғри келадиган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати ўзгаришининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги инновацион асосида ташкил этилган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган хорижий давлатларда агроресурслардан самарали фойдаланиш ва ресурслар барқарорлигини таъминлаш бўйича илғор

тажрибалар умумлаштирилган ҳамда уларнинг аҳамиятга молик жиҳатларини республика фермер хўжаликлари шароитида қўллаш йўллари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш жараёнларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, ресурс сарфини мониторинг қилиш ва бошқарув қарорларини рақамли маълумотлар асосида қабул қилишни таъминлаш бўйича агроресурс самарадорлик кўрсаткичи (ASK) ва агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг интеграл кўрскаткичига (AFSIK) асосланган амалий баҳолаш механизмларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини иқтисодий оптималлаштириш ҳамда агроресурслар барқарорлигини таъминлашга қаратилган амалий ташкилий-иқтисодий йўналишлар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш масалалари бўйича таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилишга асосланганлиги, монографик тадқиқотлар ва анкета сўровномалари натижаларидан фойдаланилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Статистика қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий статистик маълумотлари таҳлилига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишни илмий асосда ташкил қилиш ва барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади. Шунингдек, аграр соҳада ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини асослаш ҳамда соҳадаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали фермер хўжаликлари раҳбар ва мутахассисларининг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини бойитишга замин яратади. Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотда олинган натижалардан Қашқадарё вилояти деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, улар самарадорлигини комплекс баҳолаш, шунингдек, республика миқёсида аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда аграр таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашга қаратилган ASK ва AFSIK интеграл кўрсаткичларини қўллаш ҳамда маҳаллий

шароитлар асосида ресурслар самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашувга оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 06 мартдаги №06/26-4-05/1592–сонли маълумотномаси). Ушбу тавсияларни жорий этиш натижасида фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш имконияти яратилди ҳамда ресурслар сарфини 10–15 фоизгача қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини 12–18 фоизгача ошириш имконияти шакллантирилди;

фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида тупроқнинг балл-бонитети, шўрланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ерларни агротехнологик гуруҳлаш ҳамда ҳар бир гуруҳга мос агротехнологик, ташкилий ва молиявий чора-тадбирларни дифференциал қўллашга асосланган механизм бўйича ишлаб чиқилган ташкилий-иқтисодий тавсиялар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 6 мартдаги №06/26-4-05/1592-сонли маълумотномаси). Ушбу механизмни жорий этиш натижасида ер ресурсларининг сифат кўрсаткичларига мувофиқ агротехнологик тадбирларни мақбуллаштириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини 8–12 фоизга камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш рентабеллигини 10–15 фоизгача ошириш имконияти яратилган.

GLOBALG.A.P ва ISO 9001 халқаро стандартларини жорий этишни жадаллаштиришга қаратилган сертификация ва агроконсалтинг марказлари, рақамли агрожурнал, агроаудит хизматлари ҳамда лаборатория назоратини такомиллаштириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмга оид тавсиялар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 06 мартдаги №06/26-4-05/1592–сонли маълумотномаси). Ушбу механизмни жорий этиш натижасида маҳсулот таннархини 8–10 фоизгача камайтириш, сув ва минерал ресурслар сарфини 15–20 фоизгача қисқартириш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар улушини 20–25 фоизгача ошириш имконияти яратилди;

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланиш асосида бир гектар ерга тўғри келадиган даромаднинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 06 мартдаги №06/26-4-05/1592–сонли маълумотномаси). Ушбу прогноз кўрсаткичларини амалиётда қўллаш натижасида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш имконияти яратилди ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 15–20 фоизгача ошириш имконияти шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами 20 та илмий иш, шундан 18 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 26 та статистик, таҳлилий, ҳисоб-китоб жадваллар, 39 та расмлардан таркиб топган ҳолда жами 152 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида, бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишнинг назарий-услубий асослари тизимли равишда ёритилган. Агроресурслар иқтисодиётининг илмий эволюцияси, ресурслар самарадорлиги тушунчасининг турли иқтисодий мактаблардаги талқинлари ҳамда замонавий шароитда ресурслардан фойдаланишни бошқаришга оид комплекс ёндашувлар асослаб берилган.

Бобнинг муҳим жиҳати сифатида XXI асрда агроресурслар иқтисодиётининг рақамлашув ва инновациялар таъсирида янги босқичга кўтарилаётгани кўрсатилган. Хусусан, Smart Agro Management**,** Precision Agriculture**,** IoT**,** Big Data ва GIS технологиялари орқали ресурслар ҳаракатини мониторинг қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш имкониятлари назарий жиҳатдан ёритилган ҳамда бундай ёндашувлар инсон омили таъсирини қисқартириш, ресурс сарфини оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш натижадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланган.

Муаллиф томонидан агроресурслар категориясини кенг талқин қилиш асосида “агроресурслар” тушунчасига муаллифлик таърифи таклиф этилган: Агроресурслар — бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида бевосита (ишлаб чиқариш базасини шакллантирувчи) ва билвосита (ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминловчи) тарзда иштирок этувчи, табиий, моддий, молиявий, меҳнат, инновацион ва интеллектуал салоҳиятни қамраб олган ресурслар тизимидир (1-расм).

Ушбу таъриф аграр ишлаб чиқаришда ресурслар ўзаро интеграцияда ҳаракат қилиши, қўшимча равишда инновацион ва интеллектуал салоҳиятни қамраб олиши ва натижада иқтисодий барқарорлик ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишини тушунтирувчи назарий платформани шакллантиради.



1-расм. Агроресурслардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар тизими [4]

Бобда қишлоқ хўжалигида агроресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари (ресурсларнинг табиий-иқлимга боғлиқлиги, ер ресурсларининг кўчмаслиги ва тикланиш муддати, биологик жараёнлар таъсири, мавсумийлик, агротехник муддатларга қатъий риоя қилиш зарурати) тизимлаштирилган. Мазкур хусусиятлар фермер хўжаликларида ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, ресурслардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда агротехник тадбирларни режалаштиришда асосий методологик мезон сифатида эътироф этилган.

Бобда агроресурслар самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичларни туркумлашнинг илмий-услубий аҳамияти очиб берилиб, кўрсаткичларни миқдор, қиймат ва сифат; бевосита ва билвосита; мураккаб ва оддий каби гуруҳларга ажратиш зарурати асосланган. Шунингдек, ресурслар самарадорлигини таҳлил қилишда кўп босқичли ёндашув таклиф этилиб,

[4] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

дастлабки ҳолат, жараён, якуний натижа, истиқбол ва инновацион ривожланиш кўрсаткичлари асосида комплекс баҳолаш имконияти шакллантирилган.

Назарий хулосаларни мустаҳкамлаш мақсадида республика олимларининг (Р.Х. Хусанов, К.А. Чориев, Ў.П. Умурзоқов, И.Қ. Ражабов ва бошқалар)[5] ресурслар самарадорлигини баҳолашга оид илмий ёндашувлари таҳлил қилиниб, фермер хўжаликлари шароитида самарадорлик кўрсаткичларини ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, сув таъминоти, тупроқ унумдорлиги ва технологик жиҳатлар билан боғлиқ ҳолда комплекс ҳисобга олиш зарурлиги илмий асосланган.

Агроресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда давлатнинг иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани кўрсатилиб, аграр соҳада ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, кодекслар, президент фармон ва қарорлари) ресурс самарадорлигини оширишга замин яратиши таъкидланган. Шу орқали фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш масаласи институционал-меъёрий муҳит билан узвий боғлиқ эканлиги назарий жиҳатдан очиб берилган.

Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган ва бозор муносабатлари шароитида иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг комплекс ёндашуви илмий жиҳатдан асосланган. Бунда аграр секторда рақобат муҳитининг кучайиши, ресурслар тақсимоти самарадорлиги ва инновацион технологияларни жорий этиш зарурати фермер хўжаликлари учун ресурс тежамкорлигини таъминлашни стратегик мақсадга айлантираётгани таъкидланган.

Методологик нуқтаи назардан, агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда барча асосий ресурслар (ер, сув, меҳнат, техника, молия, минерал ўғитлар ва бошқалар) ҳисобга олинган ҳолда уларнинг умумий самарадорлигини аниқлаш лозимлиги илгари сурилган. Ушбу ёндашув фермер хўжалиги фаолиятини бир томонлама эмас, балки ишлаб чиқариш ресурслари ва натижа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қамраб олган ягона комплекс баҳолаш имконини беради.

Тадқиқотда биринчи навбатда фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш услубияти такомиллаштирилиб, ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслар сарфини ягона қиймат ўлчовида умумлаштириш асосида иқтисодий қайтимни аниқлаш лозим бўлади:

$$\mathrm{AIQ} = \frac{\mathrm{YQXQ}}{(\mathrm{YS+SS+MS+MTRIS+MRS})} \qquad (1)$$

[5]Умурзоқов Ў.П. *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент.* – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2008. – 264 б. Чориев К.А. *Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку.* – Ташкент: Фан, 1992. – 182 с. Ражабов И.Қ. *Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги: диссертация автореферати.* – Тошкент, 2006. – 42 б. Хусанов Р.Х. *Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатлар ва аграр иқтисодиёт.* – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 144-б.

Бунда: AIQ - агроресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий қайтими, $YQXQ$ - таҳлил қилинаётган даврда фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати, сўм; YS - ер ресурсидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ ҳисобга олинадиган иқтисодий сарфлар, сўм; SS - сув ресурсидан фойдаланиш билан боғлиқ сарфлар, сўм; MS - меҳнат ресурсларига қилинган сарфлар, сўм; MTRIS - моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ сарфлар, сўм; MRS - молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳисобга олинадиган сарфлар, сўм.

Фермер раҳбарининг касбий-бошқарув салоҳияти амалий тажриба (K), бошқарув натижадорлиги (B) ва ресурсларни бошқариш даражаси (R) асосида, мажбурий тестларсиз, мавжуд маълумотлар бўйича баҳоланади:

$$\mathrm{BS} = \frac{\mathrm{K+B+R}}{30} \qquad (2)$$

Табиий-иқлим шароитлари йиллик ўртача ҳарорат (H), ёғингарчилик (Y) ва қуёш нури давомийлиги (Q) нисбати орқали ифодаланади:

$$TI = \frac{H\mathrm{x}\mathrm{Y}}{Q} \qquad (3)$$

Мазкур омилларни ягона тизимда баҳолаш учун нормаллаштирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматига асосланган интеграл кўрсаткич таклиф этилган:

$$\mathrm{ASK} = \frac{(\mathrm{AIQ^{norm}+BS^{norm}+TI^{norm}})}{3} \qquad (4)$$

Бунда: ASK – агроресурс самарадорлик кўрсаткичи.

Кўрсаткичлар мин–макс усулида 0–1 оралиғига нормаллаштирилади:

Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг илмий-амалий жиҳатдан муҳим қисми сифатида AFSIK (Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи) таклиф этилган. Ушбу кўрсаткич ер, сув, меҳнат, техника ва молиявий ресурсларнинг нормаллаштирилган самарадорлик кўрсаткичларини вазн коэффициентлари орқали бирлаштириб, фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш даражасини 0 дан 1 гача интервалда баҳолаш имконини беради. Кўрсаткичининг баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у жуда пастдан жуда юқори барқарор самарадорлик даражасигача бўлган ҳолатларни иқтисодий талқин қилиш имкониятини яратади.

AFSIK кўрсаткичи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\mathrm{AFSIK} = \frac{(\mathrm{w_E E^{norm}+W_W\, W^{norm}+w_L\, L^{norm}+w_T\, T^{norm}+W_F\, F^{norm}})}{5}$$

Фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг Нидерландия, Германия, Бразилия ва Қозоғистон тажрибалари тизимли таҳлил қилиниб, табиий-иқлим шароити, ер ресурслари ҳолати ва ишлаб чиқариш ихтисослашувига асосланган минтақалаштирилган бошқарув ёндашувининг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Германия тажрибаларининг қиёсий таҳлили асосида ер ва сув ресурслари маҳсулдорлигини ошириш, меҳнатни механизациялаштириш, рақамли ер кадастри, интеллектуал суғориш, сунъий

интеллектга асосланган бошқарув ҳамда техникани лизинг ва ижара механизмлари орқали модернизация қилиш агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ва таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида, Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг иқтисодий самарадорлиги, мелиоратив вазият, шўрланиш–эрозия омиллари ҳамда ирригация тармоқларининг техник ҳолати тизимли таҳлил қилинган.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида 2020–2024 йилларда ер майдонлари деярли ўзгармаганлиги кузатилади, улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги изчил ошган. Жумладан, 1 гектар суғориладиган ердан олинган маҳсулот қиймати 29,1 млн сўмдан 36,0 млн сўмга, умумий ер майдони бўйича эса 24,0 млн сўмдан 29,6 млн сўмга етган. Маҳсулот қиймати ўсиш индексининг 123,7 фоизни ташкил этиши ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошганини кўрсатиб, мазкур ўсишда ер майдонларини кенгайтиришдан кўра интенсив омиллар устувор аҳамият касб этганини ифодалайди (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида ер ресурсидан фойдаланиш кўрсаткичлари[6]

Йил	Фермер хўжалик-лари умумий ер майдони, минг га	Шу жумладан суғорила-диган ер, минг га	Экин майдони улуши, %	1 га суғориладиган ердан маҳсулот (млн сўм)	1 га умумий ердан маҳсулот (млн сўм)	1 га ерга маҳсулот қийматининг ўсиш суръати (%)
2020	531,8	438,0	82,2	29,1	24,0	100,0
2021	533,0	438,7	82,3	30,5	25,1	104,8
2022	534,1	439,1	82,1	31,9	26,2	109,6
2023	535,0	439,5	82,1	33,7	27,7	115,8
2024	536,0	439,8	82,0	36,0	29,6	123,7

Таҳлил натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига қарамасдан, агромелиоратив ҳолатда салбий тенденциялар кузатилади. Жумладан, суғориладиган ерларнинг 46–48 фоизи турли даражада шўрланиш, 30 фоизи ирригацион эрозия таъсирида бўлиб, ўртача балл-бонитет кўрсаткичи 2020–2024 йилларда 54 баллдан 51 баллга пасайган. Бу ҳолат дренаж тизимлари самарадорлигининг пастлиги ва агротехник талабларга етарлича риоя этилмаслиги билан изоҳланади.

Тадқиқотда 2024 йилда режалаштирилган шўр ювиш ишлари 2,6 минг гектар (8,8%) майдонда бажарилмагани намоён бўлди. Монографик кузатишларда шўр ювилган ва ювилмаган ерлар ўртасида балл-бонитет бўйича 15–20 балл, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигида эса 6–14 ц/га фарқ кузатилгани мелиоратив тадбирларнинг иқтисодий аҳамиятини тасдиқлайди.

[6] Манба: Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2020–2024 йилларда гектарига сув сарфи 11,3 минг м³ дан 10,7 минг м³ га камайган, 2022–2024 йилларда эса 1 минг м³ сув ҳисобига олинган ҳосил кўрсаткичи ўртача 8,2 фоизга ошган. Айниқса, сабзавотчилик ва узумчиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши сув тежовчи технологиялар ва агротехник тадбирларнинг аҳамиятини кўрсатади.

Қашқадарё вилоятида сув ресурслари таъминоти ва тақсимотида ҳудудий номутаносибликлар мавжудлиги кузатилади. Жумладан, сув билан таъминланганлик чўл туманларида 87–92 фоизни, тоғолди ва эски суғориладиган ҳудудларда 52–60 фоизни ташкил этган. Ирригация тизимининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,65 бўлиб, сувнинг тахминан 35 фоизи тармоқларда йўқотилиши инфратузилманинг техник ҳолати ва сув ҳисобини рақамлаштириш даражасининг пастлиги билан изоҳлаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилояти айрим туманларда сув йўқотиш ва таъминот даражалари (2024 йил)[7]

Туман номи	Суғориш тармоғи ҳолати (ирригация тизимининг фойдали иш коэффициенти)	Сув йўқотиш (%)	Сув билан таъминланганлик (%)
Деҳқонобод	0,82	20–25	90–92
Косон	0,80	22–24	87–90
Қамаши	0,53	43–45	52–54
Китоб	0,55	40–42	55–57
Шаҳрисабз	0,57	38–41	58–60
Вилоят бўйича ўртача	**0,65**	**33–36**	**72–74**

2024 йилда суғориш режаси 99,3 фоизга бажарилган, сувдан фойдаланиш коэффициенти эса 0,89 ни ташкил этган. Бироқ Қарши, Касби ва Нишон туманларида гидромелиоратив муаммолар сақланиб, хусусан, Нишон туманида ички суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,58 га тенглиги сув йўқотишлари ва ерларнинг шўрланиш хавфини кучайтирувчи омил сифатида баҳоланган.

Вилоятда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошишига қарамасдан, мелиоратив ҳолат, ирригация инфратузилмасининг эскириши ва ҳудудий таъминотдаги номутаносибликлар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни имконини чекламоқда. Шу асосда коллектор-дренаж тармоқларини модернизация қилиш, сув ҳисобини рақамлаштириш, сув тежовчи технологиялар ва лазерли текислашни кенгайтириш ҳамда мелиоратив тадбирларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш устувор йўналишлар сифатида асосланган.

Вилоят фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигида барқарор ва юқори суръатдаги ўсиш кузатилди. Таҳлил натижаларига кўра, 1 ишчи ҳисобига тўғри келадиган маҳсулот қиймати 2020 йилдаги 97,6 млн сўмдан 2024-йилда 178,6 млн сўмгача кўтарилган бўлиб, 1,8 баробарлик ўсишга эришилди (2-расм). Бу

[7] Манба: Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

натижа қишлоқ хўжалигида, нархлар ўсганлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошгани, ишлаб чиқариш жараёнларининг замонавийлашгани ва агротехнологияларнинг кенг жорий этилганини тасдиқлайди.



2. - Расм: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида.

Вилоят фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминоти ва агросервис инфратузилмаси таҳлилида 2020–2024 йилларда хизмат кўрсатиш объектлари сони 79 тадан 125 тага (158,2 фоиз) етган. Жумладан, агросервис марказлари 18 тадан 32 тага, агрокимё лабораториялари 11 тадан 18 тага, қайта ишлаш шохобчалари 15 тадан 26 тага кўпайган. Бироқ инфратузилманинг ҳудудий номутаносиб жойлашуви хизматлардан фойдаланиш имкониятларини чеклаётгани асосланган.

2021–2024 йилларда техника парки 38 270 донадан 39 623 донага кўпайиб, таъминланганлик даражаси 90,2 фоиздан 90,9 фоизга етган (3-жадвал). Бироқ комбайнлар (82 %), транспорт тракторлари (81,0 %) ва тиркамалар (79,3 %) билан таъминланганликнинг нисбатан пастлиги, техника янгиланишининг йиллик 3–4 фоиз даражасида қолиши ҳамда ҳудудий тафовутлар механизациялаштириш самарадорлигини чекловчи омиллар сифатида кузатилмоқда.

2024 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси харидининг 78,4 фоизи шахсий маблағлар, 14,8 фоизи лизинг, 6,4 фоизи банк кредитлари ва 0,4 фоизи ташқи грантлар ҳисобига молиялаштирилган. Молиялаштириш таркибида шахсий маблағлар устуворлиги фермер хўжаликларининг муқобил молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигини кўрсатади. Шу асосда фермер хўжаликларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини ривожлантириш мақсадида лизинг, кредит ва

субсидия ажратиш жараёнларини рақамлаштириш, талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш ҳамда молиялаштириш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддатларини камайтириш таклиф этилган.

Вилоят фермер хўжаликларида 2020–2024 йилларда минерал ўғитлар билан таъминланганлик даражаси ўсган бўлсада, умумий эҳтиёжнинг 44,4 фоизи қопланган. Жумладан, азотли ўғитлар билан таъминланганлик 58–60 фоизни, фосфорли ўғитлар бўйича 39,3 фоизни ташкил этган. Калийли ўғитлар таъминоти 5,3 баробар ошганига қарамасдан, эҳтиёжнинг 13,5 фоизи қопланган. Бу ҳолат минерал ўғитлар таъминотидаги номутаносиблик ер унумдорлиги ва маҳсулот ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини чеклаётганини кўрсатади.

2020–2024 йилларда меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ортиб, бир ишчига тўғри келадиган умумий ер майдони 5,63 гектардан 5,49 гектарга, суғориладиган ер майдони эса 3,43 гектардан 3,35 гектарга камайган. Бир ишчи ҳисобига маҳсулот қиймати 97,6 млн сўмдан 178,6 млн сўмга (1,8 баробар) ошган бўлсада, ёлланма ишчилар бўйича ушбу кўрсаткич 149,8 млн сўмдан 128,0 млн сўмга пасайган. Мазкур тафовут меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигидаги номутаносибликни кўрсатиб, мавсумий бандлик, касбий малака ва меҳнатни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш зарур бўлади.

3– жадвал

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида техника билан таъминланиш даражаси[8]

	Техника тури	2021 йил		2022 йил		2023 йил		2024 йил		2024 йилда 2021 йилга нисбатан, %
		Мав-жуд	Таъ-минот, %	Мав-жуд	Таъ-минот, %	Мав-жуд	Таъ-минот, %	Мав-жуд	Таъ-минот, %	
1	Ҳайдов тракторлари	1420	85,5	1465	86,9	1500	87,7	1510	87,6	106,3
2	“Магнум”, “Case IH” тракторлари	235	94,0	242	93,8	246	93,5	248	93,6	105,5
3	Транспорт тракторлари	4520	86,9	4430	84,4	4360	82,3	4310	81,0	95,3
4	Комбайнлар (ғалла, пахта)	670	80,7	690	82,1	700	81,9	705	82,0	105,2
5	Чопиқ ва культивация техникаси	4030	87,6	4075	87,1	4095	87,1	4110	86,9	102,0
6	Сепгич ва пуркагичлар	1350	90,0	1380	90,8	1400	90,9	1410	91,0	104,4
7	Трактор тирка-малари	4720	84,3	4610	81,9	4560	80,6	4520	79,3	95,8
Жами техника		**38270**	**90,2**	**38890**	**90,6**	**39200**	**90,5**	**39623**	**90,9**	**103,5**

Таҳлил натижалари вилоят фермер хўжаликларида моддий-техника базаси ва агросервис инфратузилмаси ривожланаётганига қарамасдан, техника таъминотидаги таркибий номутаносибликлар, молиялаштириш манбаларининг

[8] Манба: Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида.

чекланганлиги, минерал ўғитлар таъминотининг етарли даражада эмаслиги ҳамда ёлланма меҳнат унумдорлигининг пасайиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини чеклаётганини кўрсатади.

2020–2024 йилларда агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигида ижобий динамика кузатилиб, ер ва моддий-техника ресурслари бўйича ўсиш нисбатан юқори бўлган. Бироқ сув ресурсларидан фойдаланишдаги ҳудудий тафовутлар ва молиявий самарадорлик ўсишининг пастлиги агроресурсларни комплекс бошқариш, ишлаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш ҳамда молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида моддий ресурслар ичида минерал ўғитлар муҳим ўрин тутади. Улардан фойдаланиш даражаси ҳосилдорликнинг 20–25 % ни белгилайди. 2020–2024 йиллар давомида Қашқадарё вилоятида минерал ўғитларга бўлган талаб ўсиб борган бўлсада, таъминланиш даражаси 50 % дан ошмаган.Вилоятда азотли ўғитлар бўйича таъминланиш даражаси барқарор (58–60 %) бўлиб қолмоқда, фосфорли ўғитлар 2024-йилда 39,3 % ни ташкил этган. Энг катта ижобий ўзгариш калийли ўғитлар бўйича кузатилган — 2020 йилда 7,2 минг тоннадан 2024 йилда 38,6 минг тоннагача ўсган (5,3 баробар кўпайиш) (4-жадвал). Бироқ умумий таъминланиш даражаси ҳануз талабдан паст (44–45 % атрофида). Бу эса маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларининг етарли эмаслиги ва импортига боғлиқлик сабабли юзага келмоқда.

4-жадвал.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси (минг тонна) [9]

Ўғит тури	2020 йил		2024 йил		Таъминланиш, %	Ўсиш 2024 йил 2020 йилга нисббатан, %
	Талаб	Мавжуд	Талаб	Мавжуд		
Азотли	720,4	432,1	805,2	472,0	58,6	109,8
Фосфорли	490,3	89,6	528,4	208,0	39,3	232,2
Калийли	262,8	7,2	286,3	38,6	13,5	536,1
Жами	1473,5	528,9	1619,9	718,6	44,4	135,8

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларининг иқтисодий ривожланишида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида, фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган концептуал ёндашувлар, илмий-услубий асослар ҳамда амалий механизмлар тизимли равишда ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ушбу бобда ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурсларни комплекс бошқариш, ресурс тежамкор технологиялар ва «яшил иқтисодиёт» тамойилларини жорий этиш орқали фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиш йўналишлари ҳамда агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва иқтисодий рағбатлантириш механизмларининг

[9] Манба: Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида.

Фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминловчи дифференциал бошқарув механизми[10] (3-расм).

БОСҚИЧЛАР ВА КЎРСАТКИЧЛАР	I ГУРУҲ (юқори унумли ерлар)	II ГУРУҲ (барқарор ерлар)	III ГУРУҲ (тиклаш талаб этувчи ерлар)	IV ГУРУҲ (устувор тиклаш талаб этувчи ерлар)
1. ЕР ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ	Барқарор ва юқори салоҳиятли	Барқарор, яхшилаш имконияти мавжуд	Тиклаш чораларини талаб этувчи	Устувор тиклашни талаб этувчи
Тупроқ балл-бонитети	60–100	45–60	35–45	10–35
Шўрланиш даражаси	Шўрланмаган ёки жуда кам шўрланган	Кам шўрланган	Ўртача шўрланган	Кучли шўрланган
Мелиоратив ҳолати	Яхши	Қониқарли	Ўртача / қониқарсиз	Оғир (критик)
Геоахборот маълумотлари (AgroGIS)	Майдон, ҳосилдорлик, рельеф ва бошқа параметрлар	Майдон, ҳосилдорлик ва шўрланиш харитаси	Мелиоратив ҳолат ва дренаж тармоқлари харитаси	Деградацияланган ерлар харитаси ва инвентаризация маълумотлари
2. АГРОТЕХНО-ЛОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚЎЛЛАШ	• Юқори маҳсулдор навлар • Алмашлаб экиш тизими; • Ресурс тежамкор технологиялар • Тупроқ унумдорлигини сақлаш	• Мақбул алмашлаб экиш • Минерал ва органик ўғитлаш • Суғориш меъёрини оптималлаш; • Тупроқ унумдорлиги;	• Шўрланишга чидамли навлар • Мелиоратив агротехника • Органик моддани кўпайтириш • Тупроқни тиклаш технологиялари	• Шўр ювиш ва ерларни қайта тиклаш • Коллектор-дренаж тизимларини тиклаш • Фитомелиорация тадбирлари; • Ерларни муомалага қайта киритиш
3. ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚЎЛЛАШ	• Ердан фойдаланиш режаси • Копперация муносабатларини ривожлантириш; • Илғор тажрибаларни жорий этиш	• Агроконсалтинг хизматлари • Фермерларни гуруҳлаш ва кооперация • Ташкилий қўллаб-қувватлаш	• Махсус мелиоратив дастурлар • Давлат-хусусий шериклик • Техник ва агрономик хизматлар	• Устувор тиклаш дастурлари • Институционал қўллаб-қувватлаш • Ерларни қайта баҳолаш ва гуруҳини ўзгартириш
4. РАҚАМЛИ МОНИТОРИНГ ВА КАДАСТР ЧОРАЛАРИ	• GPS мониторинг • Дрон ва сенсорлар • Рақамли кадастр • AgroGIS базаси	• AgroGIS мониторинг • Ер ҳолати бўйича геомаълумотлар • Масофадан зондлаш • Кадастр маълумотларини янгилаш	• Шўрланиш хариталари • Мелиоратив ҳолат мониторинги • AFSIK бўйича баҳолаш • Тикланиш динамикасини кузатиш	• Агроэкологик мониторинг • Доимий геокузатув • Тиклаш маълумотлари базаси • Қайта баҳолаш ва гуруҳни ўзгартириш
5. ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ДАСТАКЛАРИ	• Базавий субсидиялар • Инновацион инвестицияларга имтиёзли кредитлар • Асосланган солиқ рағбатлари	• Мақсадли субсидиялар • Имтиёзли кредитлаш • Солиқ имтиёзлари • Техника ва технологияга кўмак	• Мақсадли субсидиялар; • Узоқ муддатли имтиёзли кредит • Мелиоратив тадбирларга грантлар • Тиклаш харажатлари бир қисмини қоплаш;	• Устувор грант ва субсидиялар • Тиклаш харажатларини субсидиялаш; • Солиқ ва бошқа рағбатлар • Давлат дастурлари доирасида кўмак.
6. КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР	• Юқори иқтисодий қайтим • Барқарор унумдорлик • Ресурс харажатларини оптималлаштириш	• Унумдорликни сақлаш ва ошириш • Ресурслар самарадорлигини ошириш • Ер ҳолатини барқарорлаштириш	• Тупроқ ҳолатини яхшилаш • Иқтисодий қайтимни ошириш • Деградация жараёнини секинлаштириш	• Деградацияни назорат қилиш; • Ерларни хўжалик айланмасига қайта киритиш • Экологик барқарорликни таъминлаш
7. МЕХАНИЗМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАЛАРИ	**Тупроқ унумдорлигини ошириш**	**Ресурс сарфи камайиши**	**Ердан иқтисодий қайтим ортиши;**	**Экологик барқарорлик таъминоти**

[10] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

иқтисодий барқарорлик, рақобатбардошлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти асосланган.

Тадқиқотда тупроқнинг балл-бонитети, шўрланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини комплекс баҳолаш асосида ер майдонларини тўртта агротехнологик гуруҳга ажратиш ҳамда уларнинг ресурс салоҳиятига мувофиқ агротехнологик, ташкилий ва иқтисодий рағбатлантириш чораларни рақамли мониторинг асосида табақалаштириб қўллашга қаратилган дифференциал бошқарув механизми ишлаб чиқилган (3-расм).

Шунингдек, фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини 100 баллик тизим орқали комплекс баҳолаш, олинган натижаларга кўра уларни тўртта самарадорлик гуруҳига ажратиш ҳамда ҳар бир гуруҳнинг ресурслардан фойдаланиш даражасига мувофиқ иқтисодий рағбатлантириш чораларини табақалаштирилган ва манзилли қўллаш механизми таклиф этилган. Мазкур механизм фермер хўжаликларининг ресурслардан оқилона фойдаланишга бўлган иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш ва агроресурслар қайтимини оширишга қаратилган.

Фермер хўжаликларида GLOBALG.A.P ва ISO 9001 халқаро стандартлари талабларини уйғунлаштириш асосида ресурс сарфини меъёрлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамли мониторинг қилиш, сифат назорати ва иқтисодий рағбатлантиришни қамраб олган интеграциялашган ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган (4-расм). Ушбу механизм фермер хўжаликларида агроресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ресурслар иқтисодий қайтимини ошириш ҳамда улардан фойдаланишнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболларини иқтисодий-статистик ва эконометрик усуллар асосида прогнозлаш масалалари тадқиқ этилди. Тадқиқот жараёнида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати асосий натижавий кўрсаткич сифатида қабул қилиниб, унга таъсир этувчи омиллар – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, умумий ер майдони ҳамда агросервис ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари сонининг таъсири кўп омилли регрессия модели асосида баҳоланди. Омиллар ўртасидаги мултиколлинеарлик VIF тести орқали таҳлил қилиниб, вақт қаторларининг стационарлиги ADF тести орқали тасдиқланди (4-жадвал).

4-жадвал.

Истиқболда Қашақадарё вилоятидаги фермер хўжаликларида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати


Йиллар	Прогноз қилинган маҳсулот қиймати, млн сўм/га
2026	39,53
2027	41,21
2028	42,84
2029	44,41
2030	45,94

Фермер хўжаликларида халқаро стандартлар асосида агроресурслар самарадорлигини ошириш механизми					
Босқичлар	**Амалга ошириладиган тадбирлар**	**Ташкилий омиллар** (институционал чоралар)	**Иқтисодий омиллар** (рағбатлантириш)	**Технологик омиллар** (инновацион технологиялар)	**Кутилаётган натижа**
1. Тайёргарлик ва режалаштириш босқичи	• Мақсад ва вазифаларни белгилаш • Агроресурслар ҳолатини таҳлил қилиш • Халқаро стандарт талаблари билан мослашиш;	• Бошқарув тузилмасини шакллантириш • Вазифа ва масъулиятларни аниқ тақсимлаш • Хизмат кўрсатувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	• Инвестиция эҳтиёжини баҳолаш • Молиявий манбаларни аниқлаш • Техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш	• Замонавий агротехнология танлаш; • Ресурс тежамкор технологияларни танлаш • Технологик хариталарни ишлаб чиқиш	Ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар шаклланади.
2. Стандартлаш ва меъёрлаштириш босқичи	• GLOBALG.A.P ва ISO 9001 талабларини жорий этиш • Ресурслардан фойдаланиш меъёрларини белгилаш • Технологик регламентларни ишлаб чиқиш	• Ички меъёрий ҳужжатлар ва тартибларни ишлаб чиқиш • Иш жараёнларини регламентлаштириш • Ҳисоб ва ҳужжат айланмасини ташкил этиш	• Ресурс сарфини меъёрлаштириш • Харажат ва натижаларни иқтисодий баҳолаш • Иқтисодий самарани ҳисоблаш	• Стандартларга мос технологик регламентлар; • Тежамкор агротехнология қўллаш; • Экологик хавфсиз технологияларни қўллаш	Ресурслардан фойдаланиш стандарт ва меъёрлар талабига мослашади
3. Рақамли мониторинг ва назорат босқичи	• Рақамли агрожурнални юритиш • Ресурслар сарфини онлайн назорат қилиш • Маълумот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш	• Ички назорат тизимини жорий этиш • Рақамли платформада маълумотлар оқими; • Консалтинг хизматларини мувофиқлаштириш	• Харажатларни оптималлаштириш • Иқтисодий таҳлил ва режалаштириш • Самарадорликни мунтазам баҳолаш	IoT, GPS ва сенсорлар асосида рақамли мониторинг • Агроахборот платформаси; • Ресурс сарфи бўйича онлайн маълумотлар базаси.	Аниқ маълумотларга асосланган бошқарув қарорлари қабул қилинади.
4. Агроаудит ва сертификат-лаштириш босқичи	• Ички ва ташқи агроаудит; • Маҳсулот сифати назорати; • Мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш	• Агроаудитни ташкил этиш • Сертификатлаш тизими билан ҳамкорлик • Сифат менежменти бўйича ички аудит тизими;	• Сертификатлашни қўллаб-қувватлаш; • Субсидия ва солиқ имтиёзларини қўллаш • Имтиёзли кредит ва лизингдан фойдаланиш	• Лаборатория таҳлили; • Маълумотлар таҳлилида дастурларни қўллаш; • Сифат ва хавфсизлик технологиялари;	Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги таъминланади, мувофиқлик тасдиқланади.
5. Иқтисодий рағбатлантириш ва бозор интеграцияси босқичи	• Субсидия ва солиқ имтиёзларини қўллаш • Молиявий дастаклар орқали рағбатлантириш • Ички ва ташқи бозорга чиқиш имконияти;	• Давлат, хусусий тузилмалар билан ҳамкорлик; • Қўллаб-қувватлаш тадбирларини фаоллаштириш; • Кооперация муносабатлари ривожланиши	• Натижага боғланган молиявий рағбат; • Бозор инфратузилмаси ва экспорт тизими; • Иқтисодий манфаатдорлик.	• Инновацион ва тежамкор технологиялар жорий этиш; • Агроинновация ва рақамли ечимлардан фойдаланиш • Экспорт талабларига мос технологияларни қўллаш	Бозорга чиқиш имкониятлари ва экспорт салоҳияти ошади.
ЯКУНИЙ НАТИЖА — АГРОРЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ **Ер унумдорлиги ошади → Сув сарфи камаяди → Меҳнат унумдорлиги ортади → Ишлаб чиқариш харажатлари қисқаради → Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги таъминланади → Экспорт салоҳияти ошади → Иқтисодий барқарорлик ва рақобатбардошлик ошади**					

4-расм. Фермер хўжаликларида халқаро стандартлар асосида агроресурслар самарадорлигини ошириш[11]

[11] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тузилган модель юқори ишончлилик даражасига эга бўлиб (R^2 = 0,987), 2026–2030 йиллар учун прогноз натижалари 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қийматининг барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди. Олинган натижалар фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди (5-расм).



5-расм. Қашақадарё вилоятидаги фермер хўжаликларида 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қийматининг 2030 йилгача прогнози[12]

ХУЛОСАЛАР

1. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида агроресурслар фермер хўжаликлари иқтисодий натижалари ва барқарорлигини таъминловчи табиий, моддий, молиявий, меҳнат, инновацион ва интеллектуал ресурслар мажмуасини ифодаловчи комплекс иқтисодий категория сифатида аниқлаштирилди. Агроресурслар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар табиий-экологик, иқтисодий-молиявий, ташкилий-бошқарув, технологик-инновацион ва инсон капитали кесимида тизимлаштирилиб, уларнинг комплекс таъсири ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи муҳим омил эканлиги асосланди. Шунингдек, самарадорликни баҳолашда ресурс сарфи, ишлаб чиқариш натижалари ва иқтисодий қайтимни қамраб олган комплекс кўрсаткичлар тизимини қўллаш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланиб, агроресурслардан самарали фойдаланиш фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги хулоса қилинди.

2. Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг такомиллаштирилган услубий ёндашуви ишлаб чиқилди. Мазкур ёндашувда ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ сарфларни ягона қиймат ўлчовида умумлаштириш асосида иқтисодий қайтимни аниқлаштириш, шунингдек, фермер хўжалиги раҳбарининг касбий-бошқарув салоҳияти ҳамда ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини инобатга олинди. Ушбу омилларни нормаллаштириш ва интеграл баҳолаш орқали агроресурслардан фойдаланиш

[12] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш, мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда ресурсларни бошқаришга доир иқтисодий қарорларни илмий асослаш имконияти кенгайтирилди.

3. Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ва барқарорлигини комплекс баҳолашнинг илмий-методик асослари такомиллаштирилиб, ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурсларнинг нормаллаштирилган кўрсаткичлари ҳамда вазн коэффициентларига асосланган AFSIK (агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи) ишлаб чиқилди. OECD ва FAO композит индикаторлар методологияси ҳамда AHP усулига асосланган мазкур ёндашув миллий аграр шароитга мослаштирилиб, ресурслар қайтими ва рентабеллиги кўрсаткичлари билан уйғунлаштирилди. Натижада фермер хўжаликларининг ресурс самарадорлиги, иқтисодий барқарорлиги ва инвестиция жозибадорлигини комплекс баҳолаш ҳамда уларни оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконияти яратилди.

4. Нидерландия, Германия, Бразилия ва Қозоғистон тажрибаси қиёсий таҳлили фермер хўжаликларида агроресурслар самарадорлигининг юқори даражаси инновацион ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ресурсларни интенсив бошқариш ҳамда давлатнинг самарали молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари билан таъминланишига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шу асосда агроресурслар самарадорлигини оширишда рақамли бошқарув, ресурс тежамкор технологиялар ва техник-технологик модернизация ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланди. Натижада, республика шароитида ер ва сув ресурсларини рақамли мониторинг қилиш, смарт суғориш ва сунъий интеллект асосида бошқарувни жорий этиш ҳамда фермер хўжаликларини модернизация қилиш аграр тармоқ иқтисодий самарадорлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим илмий-амалий йўналишлари сифатида хулосаланди.

5. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида 2020–2024 йилларда суғориладиган ер майдонлари барқарор сақланган ҳолда, ердан фойдаланиш самарадорлиги ижобий ўсганлиги аниқланди. Жумладан, 1 гектар ҳисобига маҳсулот қиймати 29,0 млн сўмдан 36,0 млн сўмгача (24,0%) ошгани ва ялпи маҳсулот ҳажми 12,75 трлн сўмдан 15,85 трлн сўмгача кўпайгани ер ресурсларидан интенсив фойдаланиш кучайганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ер унумдорлиги 124,1% га етган бўлсада, суғориладиган ерларнинг 31,5% қисми шўрлангани ва тупроқ бонитети 54 баллдан 51 баллга пасайгани ер ресурслари қайтимини чеклаётган асосий омиллар эканлиги асосланди. Шу асосда ер ресурслари самарадорлигини ошириш мелиоратив ҳолатни яхшилаш, сув тежамкор ва рақамли агротехнологияларни жорий этиш ҳамда деградацияга учраган ерларни тиклаш орқали аграр ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналиш ҳисобланади.

6. Амалга оширилган таҳлиллар Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги самарадорлиги сув ресурсларидан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ

бўлиб, умумий сувнинг 98 % қисми аграр мақсадларда сарфланиши унинг стратегик аҳамиятини белгилашини кўрсатди. 2020–2024 йилларда 1 гектарга сув сарфи 11,3 минг м³ дан 10,7 минг м³ гача камайиб, 1 минг м³ сув ҳисобига маҳсулот ҳажми 8–9 % га ошгани самарадорлик маълум даражада яхшиланганини тасдиқлайди. Бироқ ирригация тармоқлари самарадорлигининг 0,65 даражада сақланиши, сувнинг 35–40 % қисми йўқотилиши, инфратузилманинг 45–50 % қисми таъмирга муҳтожлиги ва сув тежамкор технологиялар жорий этилишининг 8,7 % дан ошмаётгани асосий чекловчи омиллар ҳисобланади. Шу боис, ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ва сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш аграр ишлаб чиқаришнинг иқтисодий барқарорлиги ва ресурс қайтимини оширишнинг муҳим шарти эканлиги асосланди.

7. Монографик тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилоятида 2020–2024 йилларда агросервис ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари сони 79 тадан 125 тага (158,2 фоизга) етгани аниқланди. Бироқ инфратузилманинг ҳудудий номутаносиблиги, транспорт тракторлари (81,0%) ва тиркамалар (79,3%) билан таъминланганликнинг пастлиги, техника харидида шахсий маблағлар улушининг юқорилиги (78,4%) ҳамда минерал ўғитлар таъминотининг етарли эмаслиги (44,4%) ресурслар самарадорлигини чекловчи омиллар сифатида баҳоланди. Шунга кўра, агросервис инфратузилмасини ҳудудий эҳтиёжларга мувофиқ ривожлантириш, техника паркини модернизация қилиш, лизинг имкониятларини кенгайтириш ва минерал ўғитлар таъминотини яхшилаш агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари сифатида асосланди.

8. Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили 2020–2024 йилларда ишчилар сони 117,8 минг нафардан 156,0 минг нафаргача (32,4 %) ошганини, бироқ 1 ишчи ҳисобига ер майдони 5,63 гектардан 5,49 гектаргача камайгани меҳнат ресурслари зичлиги ортганини кўрсатди. Шу билан бирга, 1 ишчи ҳисобига маҳсулот қиймати 97,6 млн сўмдан 178,6 млн сўмгача (1,8 баробар) ошгани меҳнат унумдорлиги яхшиланганини тасдиқлайди. Бироқ ёлланма ишчилар унумдорлигининг 149,8 млн сўмдан 128,0 млн сўмгача пасайиши меҳнатни ташкил этиш ва малака даражасида муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Натижада, инсон капиталини ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш ва меҳнат жараёнларини механизациялаштириш меҳнат самарадорлигини барқарор оширишнинг муҳим омили эканлиги асосланди.

9. Тадқиқот натижалари фермер хўжаликларида агроресурслар самарадорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий, мелиоратив, агротехник ва институционал чоралар уйғунлиги асосида таъминланишини кўрсатди. Хусусан, ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишлари 4 та гуруҳ — ташкилий-мелиоратив, инженерлик-мелиоратив, агротехник ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар асосида тизимлаштирилиб, улар ер унумдорлиги ва иқтисодий қайтимни оширишнинг муҳим омили эканлиги асосланди. Шу билан бирга, агроресурслар самарадорлиги ер, сув, меҳнат ва

моддий-техника ресурслари ўртасидаги функционал боғлиқлик асосида шаклланиши ва уларни интеграциялашган бошқариш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг баллик тизими ишлаб чиқилиб, у фермер хўжаликларини объектив баҳолаш ва иқтисодий рағбатлантириш орқали аграр ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим илмий-амалий механизми эканлиги исботланди.

10. Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг GLOBALG.A.P ва ISO 9001 халқаро стандартлари талабларини ўзаро уйғунлаштиришга асосланган ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилди. Мазкур механизм ресурслар сарфини меъёрлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини стандартлаштириш, рақамли мониторинг, агроаудит ва иқтисодий рағбатлантириш воситаларини ягона тизимга бирлаштиришга асосланади. Ушбу ёндашув агроресурслардан фойдаланишни тизимли бошқариш, ортиқча харажатларни қисқартириш, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги ва экспорт рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

11. Тадқиқот натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятининг деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш натижадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар эконометрик жиҳатдан баҳоланиб, 2026–2030 йилларга мўлжалланган истиқболли прогноз кўрсаткичлари асосланди. Прогноз натижаларига кўра, 1 гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот қиймати 39,53 млн сўмдан 45,94 млн сўмгача, яъни 16,2 фоизга ўсиши кутилмоқда. Мазкур натижалар моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, агросервис инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали фермер хўжаликларининг иқтисодий натижадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш учун илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот доирасида олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан ҳудудий аграр ривожланиш дастурларини шакллантириш, фермер хўжаликлари фаолиятини стратегик режалаштириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий асослашда фойдаланиш агроресурсларни бошқаришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш имконини беради. Шунингдек, таклиф этилган ташкилий-иқтисодий механизмларни амалиётга жорий этиш ер, сув, меҳнат, моддий-техника ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг иқтисодий қайтимини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш ҳамда фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Натижада, ушбу илмий-амалий ёндашувлар аграр ишлаб чиқаришнинг агроресурс самарадорлигини юксалтириш, ҳудудий аграр иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS
I Бўлим (I част; I part)

1.А.Исақов, “Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг аҳамияти” ТИҚХМИИ “Магистрларнинг биринчи илмий-амалий конференцияси 18-19 июнь Тошкент-2002 й.

2.А.Исақов, “Корхоналарда ҳисоб сиёсатини юритиш йўллари” ТИҚХМИИ Магистрларнинг биринчи илмий-амалий конференцияси 18-19 июнь Тошкент-2002 й.

3.А.Исақов. “Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги” ЎзБИИТИ “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш халқаро илмий-амалий конференцияси 21-22 май Тошкент 2004 й. 294-296 бетлар.

4.А.Исақов. “Фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш йўллари” Ўзбекистон Республикаси Сенати “Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-амалий конференцияси 3-июнь Тошкент 2005 й. 133-134 бетлар.

5.А.Исақов. “Фермер хўжаликларида бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг айрим масалалари” ТИМИ “”Сув хўжалигининг замонавий муаммолари” илмий-амалий конференцияси 28-29 апрель 2006 й. 172-173 бетлар.

6.А.Исақов. “Фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари” ҚМИИ “Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишлари” халқаро илмий-амалий конференцияси 26-27 май 2006 й. 247 – бет.

7. А.Исақов, “Экономеческая эффективность севооборота в фермерских хозяйствах” № 11 журнал экономика и финансы. Москва 2007 год. Страница 59-60.

8.А.Исақов. “Деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва уларни ечиш йўллари” Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий конференцияси 15-17 март, 2007 й. 185-187 бетлар

9.А.Исаков. “Причины засоления орошаемых земель в фермерских хозяйствах” Двадцатые международные Плехановский конференции 6 апреля 2007 г. Стр-451.

10.А.Исақов. “Қишлоқ хўжалигида сифат бошқаруви омиллари ва истиқболлари” Қишлоқ хўжалиги “Агро илм” жўрнали 2009 йил 4-сон. 50–б.

11.А.Исақов, «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш” ЎзБМА халқаро илмий-амалий конференция 25 сентябрь 2009 йил.281-283 бетлар.

12.А.Исақов. “Фермер хўжаликларида агроресурслардан самарали фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари” ЎзБИИТИ Республика илмий-амалий конференцияси 2011 йил. 78-79 бетлар.

13.А.Исақов.“Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари” Агроиқтисодиёт илмий-амалий агроиқтисодий жўрнали 2023 йил 2- сон. 39-41 бетлар.

14.А.Исақов. “Improvement of the system of indicators determining the efficiency of the use of agricultural resources in farms” Global Journal of Research in Agriculture. ISSN: 2583-4576. Jan-fev 2026. Pages 17-20.

15.А.Исақов “Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболларини прогнозлаш” Янги Ўзбекистон иқтисодиёти жўрнали. ISBN978-9943-5256-3-4. № 7(9) 2026 йил. 72-75 бетлар.

16.А.Исақов “Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари” Агроиқтисодиёт илмий-амалий агроиқтисодий жўрнали 2026 йил Махсус сон. 151-154 бетлар.

II Бўлим (II част; II part)

17.А.Исақов, О.Соатов. “Фермер хўжаликларини бошқарув механизмини ривожлантиришнинг айрим масалалари”. ТИМИ “”Сув хўжалигининг замонавий муаммолари” Республика илмий-амалий конференцияси 28-29 апрель 2006 й. 232-233 бетлар.

18.А.Исақов, Н.Султонов. “Фермер хўжаликларига давлат хариди бўлган пахта ва буғдой учун кредит беришни такомиллаштириш йўллари” ТИМИ “”Сув хўжалигининг замонавий муаммолари” Республика илмий-амалий конференцияси 28-29 апрель 2006 й. 176-178 бетлар.

19.А.Исақов, У.Нигмаджанов. «Фермер хўжаликларига кредит беришни такомиллаштириш” ТИМИ “Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммаолари” Республика илмий-амалий конференция 23-24 ноябрь 2007 й.83-85 бетлар.

20.А.Исақов, О.Соатов. “Фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини ривожлантириш” ТИМИ “Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммаолари” Республика илмий амалий конференция 23-24 ноябрь 2007 й.80-83 бетлар.

21. А.Исақов, А.Джуманов. “Фермер хўжаликларида агроресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш”, “Агро илм” жўрнали 2009 йил 3- сон. 67 – бет.

22. А.Исақов, А.Джуманов, “Ўзбекистон Республикасида агросаноат кластерлар фаолиятида халқаро стандартларни жорий қилиш” Услубий қўлланма. Тошкент:“ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” нашриёти, 2022 йил -56 бет.